



journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>



HISTORY OF TURKESTAN LABOR INSPECTORATE (1917-1924)

Nurilla Tokhtayev

teacher

School 165 of Almazor district

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Communist, id, soviet, agrarian, mik, RSFSR, budget.

Received: 21.10.24

Accepted: 23.10.24

Published: 25.10.24

Abstract: The activity of Turkestan Working Peasant Inspectorate covers the period from 1920s to 1930s. This inspectorate was established within the Soviet Union and worked to protect labor rights and ensure the interests of farmers and workers. The inspectorate was established in the 1920s by the Soviet government to protect the rights of workers and peasants. During this period, the country is undergoing social changes and economic recovery.

One of the main tasks of the inspectorate was to control the working conditions of workers and ensure labor rights. Cooperation with workers' and farmers' organizations, active participation in ensuring their rights and interests. Warning workers about labor rights, contracts and protective measures.

The inspection made a great contribution to the protection of labor rights with its activities. It led to the implementation of changes in the Labor Code and contracts. The improvement of working conditions changed the attitude of workers towards work and served to increase economic efficiency. In the 1930s, the Labor Peasant Inspectorate faced difficulties in its activities, as repressions and political persecutions were observed under the concept of a totalitarian regime.

The work of the inspectorate has an important role in ensuring social justice, which has influenced subsequent social policies and the improvement of labor rights.

In general, the Turkestan Working Peasant Inspectorate was an important mechanism for ensuring labor rights and social justice, and it operated from the 1920s to the 1930s.

ТУРКИСТОН ИШЧИ-ДЕҲКОН ИНСПЕКЦИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (1917-1924 ЙЙ)

Нурилла Тўхтайев
ўқитувчи
Олмазор тумани 165-мактаб
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Коммунист, иди, совет, аграр, мик, РСФСР, буюжет.

Аннотация: Туркистон Ишчи деҳкон инспекциясининг фаолияти 1920-йиллардан 1930-йилларгача бўлган даврни қамраб олади. Ушбу инспекция Совет Иттифоқи таркибида ташкил этилган бўлиб, меҳнат хуқуқларини ҳимоя қилиш ва деҳқонлар ҳамда ишчиларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида фаолият юритган. Инспекция 1920 йилларда, Совет хукумати томонидан ишчиларнинг ва деҳқонларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилди. Ушбу даврда мамлакатда ижтимоий ўзгаришлар ва иқтисодий қайта тиклаш жараёнлари амалга оширияпти.

Инспекциянинг асосий вазифаларидан бири ишчиларнинг меҳнат шароитларини назорат қилиш, меҳнат хуқуқларини таъминлаш эди. Ишчи ва деҳқонларнинг ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг хуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда фаол иштирок этиш. Ишчиларни меҳнат хуқуқлари, шартномалари ва муҳофаза чоралари бўйича огоҳлантириш.

Инспекция ўз фаолияти билан меҳнат хуқуқларини ҳимоя қилишга катта ҳисса кўшди. Меҳнат кодекси ва шартномаларидаги ўзгаришларнинг амалга оширилишига сабаб бўлди. Меҳнат шароитларининг яхшиланиши, ишчиларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартириди ва иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилди. 1930-йилларда ишчи деҳкон инспекцияси ўз фаолиятида қийинчиликларга дуч келди, чунки тоталитар режим тушунчаси остида репрессиялар ва сиёсий таъқиблар кузатилди.

Инспекциянинг фаолияти ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутади, бу эса кейинги ижтимоий сиёсаларга ва меҳнат хуқуқларининг такомиллашувига таъсир қилди.

Умуман олганда, Туркистон Ишчи деҳкон инспекцияси меҳнат хуқуқлари ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим механизм

бўлиб, у 1920-йиллардан 1930-йилларгача бўлган даврда фаолият кўрсатган.

ИСТОРИЯ ТУРКЕСТАНСКОЙ ИНСПЕКЦИИ ТРУДА (1917-1924 ГГ.)

Нурилла Тохтаев

учитель

Школа 165 Алмазарского района

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: коммунист, иди, советский, аграрный, Мик, РСФСР, бюджет. **Аннотация:** Деятельность Туркестанской рабочей крестьянской инспекции охватывает период с 1920-х по 1930-е годы. Эта инспекция была создана в Советском Союзе и занималась защитой трудовых прав и обеспечением интересов фермеров и рабочих. Инспекция была создана в 1920-х годах советским правительством для защиты прав рабочих и крестьян. В этот период в стране происходят социальные изменения и экономический подъем.

Одной из основных задач инспекции был контроль условий труда работников и обеспечение трудовых прав. Сотрудничество с рабочими и фермерскими организациями, активное участие в обеспечении их прав и интересов. Предупреждение работников о трудовых правах, договорах и защитных мерах.

Своей деятельностью инспекция внесла большой вклад в защиту трудовых прав. Это привело к внесению изменений в Трудовой кодекс и договоры. Улучшение условий труда изменило отношение рабочих к труду и послужило повышению экономической эффективности. В 1930-е годы Трудовая Крестьянская Инспекция столкнулась с трудностями в своей деятельности, поскольку в условиях тоталитарного режима наблюдались репрессии и политические преследования.

Работа инспекции играет важную роль в обеспечении социальной справедливости, что повлияло на последующую социальную политику и улучшение трудовых прав.

В целом Туркестанская рабочая крестьянская инспекция была важным механизмом обеспечения трудовых прав и социальной справедливости и действовала с 1920-х по 1930-е годы.

Асосий кисм

1917-1924 йилларда Туркистондаги ишчи-дехқон инспекцияси (ИДИ) фаолияти муҳим ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Ушбу инспекциялар Туркистондаги дехқон ва ишчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, агарар ўзгаришларни ривожлантириш, ҳамда иктисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Феврал ва Октябрь инқилоблари даврида Туркистонда ишчи-дехқон инспекциялари ташкил этилди. Инспекцияларнинг асосий мақсади дехқонларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, агарар ислоҳотларни амалга ошириш ва ишчиларнинг шарт-шароитларини яхшилашдан иборат эди.

ИДИ дехқонларнинг меҳнат шартларини, yerdan фойдаланишини ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилди.

Дехқонларнинг ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат ҳақларини ва ижтимоий фойдаланишини таъминлаш.

Инспекциялар агарар ислоҳотларни амадга ошириш кооперативларни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш бўйича тадбирлар олиб борди.

Туркистондаги ижтимоий-иктисодий вазият давомида, ИДИ дўстона фаолият юритиши керак бўлса-да, у турли муаммоларга дуч келди. Ишлаб чиқариш, ресурслар тақсимоти, ва ижтимоий норозиликлар сингари муаммолар инспекцияларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Бошқа томондан, ИДИ кўпинча сиёсий репрессиялар учун фойдаланилди. У ишчи ва дехқонларнинг сиёсий фаоллигини назорат қилишда, шунингдек, муҳолифат ва норозиликларни босища муҳим рол ўйнади. 1924 йилда Туркистондаги сиёсий тузилмалар ва идоралар ўзгарди, бу эса ИДИ фаолиятини янги босқичга кўтаришга олиб келди. Ишчи-дехқон инспекциялари фаолиятидаги қўпчилик муаммолар, иктисодий ва ижтимоий изланишларга сабаб бўлди.

Туркистондаги ишчи-дехқон инспекцияси 1917-1924 йилларда ижтимоий ва иктисодий ўзгаришлар жараёнида муҳим роль ўйнади. У дехқонлар ва ишчиларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, агарар ислоҳотларни ривожлантиришда, шунингдек, сиёсий тузилмаларни назарда тутадиган ҳолда репрессиялар билан курашишда фаол иш олиб борди. Ушбу давр, кейинги йиллардаги ижтимоий сиёсатнинг шаклланишида муҳим таъсир кўрсатди.

Мехнаткаш халқ манфаатларини ҳимоя қилишни ўзининг асосий максади деб эълон килган большевиклар ҳукумати ва совет ҳокимияти инқилоб крнунлари ҳамда ҳукуқтариботга қатъий амал қилинишини таъминловчи маҳсус органларга муҳтоҷ бўлган. Бу органлар совет ҳокимияти сиёсати бажарилишини назорат қилиши лозим эди. 1917 йил 25 октябрда, яъни Петроградца Октябр тўнтариши галаба килган куни В. И. Ленин Петроград

Советида сўзлаган нутқида «Биз саноат устидан ҳақиқий ишчи назоратини ўрнатамиз», деб таъкидлаган эди.

Шундан сўнг у томонидан ишчи назорати ҳақидаги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Бутунrossия Марказий Ижроия Комитетининг йигилишида 1917 йил 14 ноябрда тасдиқланди. Марказ Туркистонда ишчи назоратини ўрнатиш сиёсатини ўлкадаги ишчи депутатлари Советлари орқали амалга ошира бошлади. Бу жараён Туркистонда Марказдагига қараганда анча сустлик билан кечиб, 1918 йил марта 700 та корхонадан атиги 80 тасида ишчи назорати ўрнатилган бўлса, бу пайтда Москва губерниясидаги 326 та корхонадан 284 таси ишчи назорати қўлига ўтган эди. Туркистон АССРда ишчи назорати ўрнатиш жараёни суст кечишининг сабаблари кўп бўлган. Туркистонда бу сиёсатни амалда қўллаш га, яъни тажрибадан ўтган иқтисодий қонуниятларни инкор этиб, бозор муносабатларига беписандлик билан қараб, хусусий мулкчиликнинг бутунлай йўқ қилинишига аввало маҳаллий аҳоли вакиллари (бойлар, дехқонлар, хунармандлар ва бошқалар) қарши чиқдилар.

Лекин бу монеликлар ҳеч кандай уюшган кучга эга бўлмай, хукumat томонидан бу сиёсат тез орада жадал суръатлар билан амалга оширила бошланди. ТКП (Туркистон Компартияси) раҳбарлигига ишчи назорати органлари ўлкадаги кўплаб корхона, завод ва фабрикаларни давлат ихтиёрига ўтказишида «фаол» иштирок этди хамда совет хукумати Туркистондаги умумий назоратни ва халқ хўжалигини қўлга олишида асосий бўғинлардан бири сифатида фаолият кўрсатди.

1918 йил 23 январда РСФСР ХКС «Марказий назорат коллегияси ва маҳаллий хисобга олиш коллегия хамда комиссияларини тузиш тўғрисида»²ги декретни эълон килди. Мазкур декрет асосида 1918 йил 8 марта «Давлат назорати ҳакида Низом» қабул қилинди³. Шу йил 9 апрелда Тошкент Халқ хўжалиги кенгashi кошида Давлат назорати бўлими очилганидан сўнг Самарканд, Полторацқ (Ашхабад), Скобелев (Фаргона), Казалинск, Черняев, Наманган, Янги Бухоро каби шаҳарлар ва уездларда унинг бўлимлари ташкил этилди⁴. РКП(б) жамиятда давлат назоратини янада мустахкамлаш борасидаги ҳаракатларини кучайтириб борди ва унинг раҳбарлигига 1918 йил 9 майда Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети томонидан «Давлат назорати халқ комиссарлиги»⁵ тузилганлиги ҳақидаги қарор эълон килинди. Унга хукumat томонидан чикарилган декрет ва фармойишларнинг амалга оширилишини, моддий ва молиявий харажатларни ҳамда корхона ва ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилиш вазифалари юклатилди.

Бу комиссарлик 1920 йили РСФСР Ишчи-дехқон инспекцияси халқ комиссарлигига айлантирилгач, 1920—22 йилларда ҳам бу комиссарликни И.В.Сталин бошқарган. Жойларда назорат органларини ташкил этишда асосий рол ўйнаган РКП(б) Марказий Комитети уларни бош қариш да «ишончли кадрлар»ни тайинлаш масаласига астойдил киришиб кетди. 1918

йилнинг биринчи ярмида Туркистон ўлкасида назорат органларининг нуфузини орттириш мақсадида Москвадан РСФСР Давлат назорати халқ комиссарлигининг вакили В. Смирнов юборилди. Унинг иштирокида «Туркистон АССР Давлат назорати Низоми» ишлаб чикилди (1918 й. 4 июн) ва шу йил ноябр ойида Туркистон АССР МИКнинг қарорига мувофиқ Туркистон АССР Давлат назорати халқ комиссарлиги тузилди.

Низомга асосан, ўлкадаги Давлат назорати халқ комиссарлигига куйидаги вазифалар юклатилган эди: Совет ҳукуматининг иқтисодий, молиявий ва хўжалик соҳаларидағи сиёсати амалга оширилишини назорат килиш, янги тузилган совет ташкилотларига ёрдам бериш, республиканинг барча мол-мулки ва бойликларини хисобга олиш ишларини тӯғри йўлга қўйиш, ҳамма ташкилотлардаги хисботларни тартибга солиш, маблагларнинг харажати ва тақсимотини бир тизимга келтириш ва бошқалар. Шу тариқа Давлат назорати Туркистон АССРдаги иқтисодий ва хўжалик ҳаётининг барча жабҳаларидаги назоратни ўз қўлига олди. В. И. Лениннинг «ташаббуси» билан 1919 йил 8 октябрда Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети (БМИК) ва РСФСР Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) томонидан Туркистон ишлари бўйича маҳсус комиссия, яъни Турккомиссия тузилди.

Турккомиссиянинг қарорига мувофиқ, 1919 йил 25 декабрда алоҳида шахслар ёки ташкилотларнинг нотўғри ишлари ҳақида кўрсатилган аризаларни кўриб чиқиши вазифаси юклатилган М ахсус бўлим Туркистон АССР МИК ва Турккомиссия тасарруфида ташкил этилди¹. Кейинроқ, Туркистон АССР Давлат назорати халқ комиссарлиги таркибида Марказий арзнома бюроси ва жойларда унинг бўлимлари ташкил этилганидан сўнг, Маҳсус бўлимнинг фаолияти тўхтатилди. Большевистик гояларни халқ орасида чукурроқ сингдириш ва ҳокимиятда давлат назорати органларининг нуфузини орттириш мақсадида РСФСР ХКС раиси В. И. Ленин бу органларга ишчидеҳқонларни жалб этиш мухимлигини таъкидлаб, Ишчи-дехқон инспекцияси тузиш зарурлигини 1919 йил 5 декабрда бўлиб ўтган Советларнинг VII Бутунrossия съездига айтиб ўтди.

Съезд Ишчи-дехқон инспекцияси тузиш ҳақидаги ушбу фикрни тўлиқ қўллабқувватлаб, бу ишни тез орада амалга оширишни йўлга қўйиш тадбирларини ишлаб чиқди. 1919 йил декабрда Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети Президиуми Ишчи-дехқон инспекцияси тўгрисида Низом қабул килиш учун маҳсус комиссия тузди. «Тез кунда Ишчи-дехқон инспекцияси Низомининг 3 та лойиҳаси ишлаб чиқилди». Тавсия этилган 3 та лойиҳадан Давлат назорати халқ комиссарлигига ишлаб чиқилгани тўғри деб топилди. Бу лойиҳа асосида мавжуд ҳамма назорат органларини бирлаштириб, ягона социалистик назоратни ўрнатиш гояси ётарди. Ишчи-дехқон инспекциясининг тузилишига эътибор каратган В. И. Ленин 1920 йил 24 январда РСФСР Давлат назорати халқ комиссари И. В. Сталинга йўллаган хатида қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Ишчи-дехқон инспекцияси назоратин и янада кенгайтириш,

яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, омборхона, қурол-яроғ ва ёқилғиларни хам уларнинг назоратига ўтказиш зарур». 1920 йил февраль ойида Давлат назорати ҳалқ комиссарлиги РСФСР Ишчи-дехқон инспекцияси ҳалқ комиссарлиги килиб ўзгартирилди. Шу куни Бутунrossия Марказий Ижроия Комитети (БМИК) Ишчи-дехқон инспекцияси тўғрисида декрет кабул қилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ишчи-дехқон инспекциясига жуда катта ваколатлар берилган бўлиб, улар умуман хуқуқ-тартибот ва назорат органлари устидан бошқарувни амалга оширади.

Шундай бўлгани ҳолда, Ишчи-дехқон инспекциясига фақат ишчи ва дехқонлар ишга қабул қилинган бўлиб, уларнинг бу соҳадаги билим ва малакаси етишмаслиги ва тажрибаси йўқлиги кейинги фаолиятида кўплаб хатолар қилишларига сабаб бўлган. Ишчи-дехқон инспекциясини тузиш тадбирлари тез кунда бутун совет Россияси худудини, шу қаторда, Туркистон республикасини ҳам қамраб олди.

1920 йилнинг апрелида «Туркистон АССР Ишчи-дехқон инспекциясининг Низоми» қабул қилинди⁴. Бу Низомда унинг асосий фаолияти сифатида қўйидагилар кўрсатиб ўтилди: меҳнаткашларни давлат бошқарувига жалб этиш, «социалистик» мулкни қўриқлаш, давлат аппаратини кучайтириш, тез орада ҳамма совет органларида, шу билан бирга, хўжалик ва бошқа ташкилотларда тафтишлар ўтказиш. Бунга қўшимча равишда Ишчидехқон инспекцияси ташкилотлар устидан тушадиган арзнома таҳлилини ҳам назорат қиласди. «Туркистон АССР Ишчи-дехқон инспекциясининг Низоми»га мувофиқ, Давлат назорати ташкилоти ўрнида Ишчи-дехқон инспекцияси тузилганлиги ҳамда унинг бўлимлари ўрнида эса Ишчи-дехқон инспекциясининг бўлимлари ташкил этилганлиги, шунингдек, унинг таркибини ишчи ва дехқонлар билан тўлдириш масаласи ҳал этилиши қонуний жихатдан мустахкамланди. Мазкур Низомга асосан «Туркистон АССР МИКнинг Ишчи-дехқон инспекциясига ишчи ва дехқонларни жалб этиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги» ҳақидаги қарори эълон килинди.

Шунингдек, Низомда Ишчи-дехқон инспекциясига юклатилган вазифалар бир тизим сифатида тақдим этилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат бўлган: а) Марказда чиқарилган қарор ва декретларнинг ижроси ҳамда ҳаётга татбиқ этилишини назорат қилиш; б) маҳаллий ҳокимият томонидан чиқарилаётган карор ва фармойишларнинг марказий ҳокимият сиёсатига мутаносиблигини кузатиш; в) мавжуд совет хукумати таш килотларининг ҳаммасини текшириш; г) давлат мул кин и сақлаш, уларни тақсимлаш ҳамда хужалик ташкилотлари билан боғлиқ бўлган барча операцияларни назорат қилиш; д) республикадаги ҳамма таш килотларнинг уз фаолияти юзасидан тегишли юкори инстанциялар ва Ишчи-дехқон инспекциясига ҳисоботларининг ўз вақтида топширилишини назорат қилиш; е) даромад ва харажатлар билан боғлиқ лойихалар давлат томонидан тасдиқлаш учун тақдим этилишидан

олдин уларни мухокама қилиш ва тегишли хулосалар бериш; ж) молиявий ва моддий смета режаларини мухокама қилиш; з) сметалар бўйича ажратилган кредитларнинг ўзлаштирилиши ҳолатларини кузатиш; и) кргозбозлик ва расмиятчиликка карши курашиш; к) давлат бошқаруви органларида иш юритиш тизимини текшириш; л) марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг фаолияти ни такомиллаштириш юзасидан ўтказилган текширув ва тафтиш натижалари асосида хулоса қилинган аниқ таклифлар бериш; м) арзномалар бюросига тушган шикоят ва аризаларни таҳлил қилиб, давлат идораларида мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш ва бошқалар. Ишчи-дехқон инспекцияси юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга эдилар:

Марказий ва маҳаллий таш килотлар, муассасалар ва корхоналар фаолияти ҳамда уларнинг молиявий даромад ва сарфхаражатлари устидан умумий назорат ўрнатиш. 2. Тезкор ва оммавий текширувлар белгилаш. 3. Қонун чиқарувчи органларга ҳалқ комиссарлари томонидан юборилган декрет ва сметаларга хулосалар бериб, уларнинг ижроси юзасидан таклифлар киритиш. 4. Республика манфаатларига моддий ва молиявий зарар етказиши мумкин бўлган фармойиш ларни бекор қилиш, ноконуний иш юритаётган ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб, уларнинг бошлиқларини жиной жавобгарликка тортиш. 5. Ташкилотларда тафтиш ўтказилаётган пайтда тегишли хужжатлар, маълумотнома ва хисоботлар талаб қилиш. 6. Мансабни суиистеъмол қилинча айбланган шахсларни жиной жавобгарликка тортиш, шунингдек, суд пайтида тегишли вакиллар орқали айловчи сифатида қатнашиш. 7. Барча ташкилот, муассаса ва корхоналарда тафтиш ўтказиш ҳамда кузатиш олиб бориш учун ўз вакилларига эга бўлиш. 8. Ташкилот раҳбарлари ва юқори мансабдор шахсларни ишга кабул қилиш жараёнида қатнашиш (ҳалқ комиссарлари ва Марказий Ижроия Комитети Президиуми аъзоларидан ташқари). 9. Мавжуд барча комиссарликлар томонидан ўтказиладиган мажлис ва йигилишларда маслаҳат овозига эга бўлган маҳсус ваколатли вакилларнинг катнашишини таъминлаш. Низом мазмунидан кўриниб турибдики, Туркистондаги бутун бошқарув, яъни давлат бошқаруви, ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, умуман давлат ташкилотларини бошқариш Ишчи-дехқон инспекцияси қўлига ўтказилган.

Туркистонда тузилган Ишчи-дехқон инспекцияси ўлкада Марказнинг сиёсатини амалга оширишда партиянинг ҳаракатдаги ёрдамчиси сифатида фаолият олиб бора бошлади. Давлат назорати ташкилотининг фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда унинг таркибида ишчи ва дехқонларнинг иш тирокини кучайтириш мақсадида Ишчи-дехқон инспекцияси ҳалқ комиссарлиги тузилди, натижада Давлат назорати ташкилоти Ишчи-дехқон инспекцияси қилиб ўзgartirildi. Тузилган янги ташкилотнинг вазифалари янада кенгайтирилиб, у давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлари ҳамда умуман ҳуқуқ-тартибот ва назорат органлари

устидан бошқарувни амалга оширади. Кўп ўтмай Ишчи-дехқон инспекциясининг Низоми ишлаб чиқилди. Низомда ташкилотга юклатилган вазифалар ва берилган ваколатлар тизимили кўринишда ўз ифодасини топди. Ишчи-дехқон инспекцияси аввал Тошкент шаҳрида тузилган бўлиб, кейин Туркистон АССРнинг барча вилоятларида Давлат назорати комиссарлиги ўрнида ташкил этилди ва 12 та бўлим ёрдамида фаолият юритди. Шу билан бирга, бўлимларда ёрдамчи ячейкалар хам тузилган бўлиб, улар ўзларига бириктирилган корхона ва ташкилотларнинг фаолияти юзасидан Ишчи-дехқон инспекциясининг маҳсус бўлимларига ҳисобот топширади. Шундай килиб, Туркистонда тузилган совет Ишчи-дехқон милицияси ва Ишчи-дехқон инспекцияси ўлкада Марказнинг сиёсатини амалга ошириш да больш евиклар партиясининг ҳаракатдаги ёрдамчиси сифатида фаолият юрита бошлади. Бу ташкилотлар совет тузумини ҳимоя қилувчи органлар сифатида ўз фаолиятлари давомида салбий ишлар билан бир қаторда баъзи ижобий ишларни ҳам амалга оширишди. Бу, энг аввало, бир тузумдан иккинчи бир тузумга ўтиш давридаги тартибсизлик ва бошбошдоқлик ҳукм сурган даврда халқ ва давлат мулкини қўриқлаш никрби остида жамиятда тартиб-интизом ўрнатишда намоён бўлди.

Фойдаланилган адабтётлар руйхати

1. 17-фонд - Туркистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси (МИК) Советлари.
2. 18-фонд - Туркистон Иктисадий Кенгаши (ТЭС).
3. 25-фонд - Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети.
4. 38-фонд - Туркистон АССР Адлия халқ комиссарлиги.
5. 39-фонд - Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссарлиги (НКВД).
6. 41-фонд - Туркистон АССР Ишчи-дехқон инспекцияси халқ комиссарлиги.
7. Джалилов Т. А. Верные отчизне. - Т.: Узбекистан, 1968. - 158 с.
8. Джалилов Т. А. Из истории рабоче-дехканской милиции Узбекистана. - Т.: Узбекистан. 1969. - 87 с.
9. Джалилов Т. А . Страницы истории милиции Хорезма и Бухары. -Т.: Узбекистан, 1970. - 80 с. 149
10. Дорохова Г. А. Рабоче-крестьянская инспекция в 1920- 1923 гг. - М.: Госюриздан, 1959. - 184 с.